



QAROR  
Toshkent sh.

2017 y. « 28 » декабрь dagi K-10 - sonli

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг Қарори ижросини  
таъминлаш ҳақида

"Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларга маҳсулотларни сертификатлаштиришда қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаштириш органи қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган муомалага чиқарилаётган ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламент талабларини сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 4 январидан жисмоний шахслар томонидан календарь йилида ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган бир дона М, N, O, L категориядаги транспорт воситаларини сертификатлаштириш ишлари юқоридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Умумий техник регламентга мувофиқ аккредитация доираси кенгайтирилган машинасозлик маҳсулотларини сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилсин;

2. Машинасозлик маҳсулотларини сертификатлаштириш органлари раҳбарларига:

- транспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолаш муомалага чиқарилаётган ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламентнинг 4-боб 41, 42, 43, 44-бандларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилсин;

- транспорт воситаларига расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар ҳафтанинг жума куни "Ўзстандарт" агентлигининг Мувофиқликни баҳолаш ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармаси (эл.манзил [sert@standart.uz](mailto:sert@standart.uz))га тақдим этиб борилсин.

3. Мувофиқлини баҳолаш ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармаси (О.Тохиров)га:

- мазкур қарор 2 кунлик муддатда сертификатлаштириш органларига етказилсин;

- транспорт воситаларини сертификатлаштириш тартиби ва муддатлари устидан назорат олиб борилсин ҳамда тақдим этиладиган ҳисоботлар доимий равишда таҳлил этиб бориш йўлга қўйилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари Ж.Шукуров ва бошқарма бошлиғи О.Тохиров зиммаларига юклатилсин.

Бош директор

А. Каримов